
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 2022 ЙИЛНИНГ 7 ОЙИ ДАВОМИДА АҲОЛИГА АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ҲАЖМИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ ЎРТАСИДА ИККИНЧИ ЎРИНДА

2022 йилнинг 7 ойи давомида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йилдан йилга ипотека кредитлари қолдиғи ортиб бормоқда. 2017 йилга нисбатан 5,4 баробарга ортиб, ипотека кредитлари қолдиғи 41,3 трлн. сўмга етган.

Жорий йил 7 ойида Республика бўйича 41 441 нафар фуқароларга 7,6 трлн. сўм ипотека кредитлари ажратилган.

Ипотека кредитлари энг кўп ажратилган ҳудудлар қаторидан Фарғона вилояти ҳам ўрин олди. 2022 йилнинг 7 ойи давомида аҳолига ажратилган 669,8 млрд.сўмлик ипотека кредитлари билан вилоятимиз Республика ҳудудлари ўртасида Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни қайд этди

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-09 17:41:44